

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТНАЗАРОВ АКМАЛ РЎЗИВОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТОҒ МУЗЛИКЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК
ТАРҚАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ЭКОТУРИСТИК РОЛИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Матназаров Акмал Рўзिवоевич

Ўзбекистонда тоғ музликларининг табиий географик тарқалиш қонуниятлари
ва экотуристлик роли 3

Матназаров Акмал Рузивоевич

Закономерности физико-географического распространения и
экотуристическая роль горных ледников Узбекистана 21

Matnazarov Akmal Ro‘zivoevich

Laws of physical-geographical distribution and ecotouristic role of mountain
leaders of Uzbekistan 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТНАЗАРОВ АКМАЛ РЎЗИВОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТОҒ МУЗЛИКЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК
ТАРҚАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ЭКОТУРИСТИК РОЛИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В.2018.1.PhD/Gr46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда "Ziynet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Паттоҳ

география фанлари номзоди, профессор

Расмий оponentлар:

Абдулқосимов Али Абдулқосимович
география фанлари доктори, профессор

Камолов Баходир Асомович
география фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 22 май соат 14⁰⁰ дагимажлисида бўлиб ўтади (маъзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети 105-хона, Тел.: (0366) 239-16-36, факс:(0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2021@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№14 рақами билан рўйхатга олинган). Маъзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил "10" 05" кунни тарқатилди.
(2021 йил "07" 05" даги 12 рақамли реестр баённомаси)



С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А.Мелнев

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш илмий котиби, г.ф.б.ф.д. PhD

В.А.Рафиков

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, г.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон туристик ташкилотининг (UNWTO) маълумотларига кўра, кейинги йилларда туризм соҳасига дунё давлатларининг кўпроқ эътибор қаратиши сайёҳлар сонининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Мазкур ташкилотнинг ҳисоботида “сайёҳликнинг экотуризм, тоғ чанғи туризми, экстримал, зиёрат, гастрономик туризм каби турларини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш”¹ белгиланган. Туристлик имкониятлари юқори бўлган тоғли ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш, музликларни чучук сув манбаи сифатида асраш баробарида туристик мақсадларда оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда талаб ортиб бораётган экотуризмни ривожлантиришда иқлимнинг глобал иссиши оқибатида қисқариб бораётган тоғ музликларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тоғ музликларини чучук сув манбаи сифатида асраш, экотуризмни ривожлантиришда туристик объектлар сифатида фойдаланиш мураккаблигини ва имкониятларини баҳолаш, маршрутларни ишлаб чиқиш ҳамда карталарини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш, айниқса унинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев экотуризмнинг истиқболи хусусида гапириб, “мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин”², - дея таъкидлаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси учинчи “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” йўналишининг иккинчи бандида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улишини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш” каби устувор вазифалар белгиланган³. Бу борада республикамизда экотуризмнинг ривожланишига асос бўладиган янги объектлар, жумладан, тоғ музликларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли

¹ <http://www.unwto.org/>. UNWTO Annual report. 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис сенатида сўзлаган нутқи. Ҳалқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Фармони, 2018 йил 7 февралдаги “”ги ПҚ-3514-сонли Қарори, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 559-сон “Тоғли ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” ва V. “Қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Музликлар майдонининг математик-статистик таҳлили R.E. Brandt, S.G. Uorren, S.J.Doherty, Y.Demek, T.Nakano, G.Uayt каби хорижлик тадқиқотчилар; музликларнинг тарқалиши ва динамикаси, жумладан, Ўрта Осиё тоғ музликларининг тарқалиши М.А.Глазовская, Г.Е.Глазирин, Б.В.Кислов, А.Л.Огудин; музликлар майдони динамикаси А.Н.Диких, Л.Д.Долгушин, И.М.Лебедева, Г.Б.Осипова, О.В.Рототаева, Б.В.Кислов, музликлардаги экологик вазият А.Каштанов ва бошқа МДҲ олимлари томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган тоғ музликлари ўлкашунослик, палеогеографик, гляциологик, геологик, гидрологик, геоморфологик, табиий географик, иқлимшунослик, ботаник, альпинистик, экологик нуқтаи назардан (И.В.Мушкетов (1886), Г.Б.Леонов (1898), Б.А.Федченко (1898), Н.Л.Корженевский (1930), Л.А.Молчанов (1937), С.В.Когай (1962), В.Л.Шульц (1965), Г.Е.Глазирин (1969), В.И.Рацек (1972)., К.Г.Садиков (1973), И.С.Шукин (1974), Ю.Н.Лесник (1975), М.А.Носиров (1978), А.А.Ни (1979), Л.Д.Долгушин (1982)., А.А.Крейтер (1985), И.Г.Томашевская (1999), Х.А.Тойчиев (2008), А.Низомов ва б. (2014.) томонидан ўрганилган бўлиб, экотуристлик жиҳатлари тадқиқ этилмаган.

Мазкур диссертация тадқиқоти тоғ музликлари ва уларга туташ ҳудудлар, музликларнинг тарқалиш ва жойлашишидан келиб чиққан ҳолда экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишга бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-1-230 “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистондаги тоғ музликларининг табиий географик қонуниятлар асосида тарқалиши ва жойлашишини аниқлаш орқали улардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Ўзбекистон тоғ музликларининг морфологик турлари ва уларнинг статистик ҳолатига ойдинлик киритиш ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

Ўзбекистон тоғ музликлари тадқиқ этилган аспектларини аниқлаш;

Ўзбекистон тоғ музликларининг табиий географик қонуниятлар асосида тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон тоғ музликларининг жойлашиш хусусиятларини аниқлаш;

гляциалтуризм объектлари ва йўналишларини гуруҳлаштириш;

тоғ музликларидан фойдаланиш учун гляциотуристлик маршрутларини ишлаб чиқиш, уларнинг туристлар учун мураккаблигини баҳолаш;

ArcGIS дастурида гляциотуристлик объектларнинг маълумотлар базаси ва гляциотуристлик карталарини яратиш;

Ўзбекистондаги мавжуд гляциотуристлик объектларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларнинг экотуризмдаги аҳамиятини ёритиш;

гляциотуристлик объектларни экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги мавжуд тоғ музликлари ва уларга туташ ҳудудларолинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистондаги тоғ музликларива улар ҳосил қилган рельеф шакллари ҳамда ётқиқиқларидан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб боришда дала кузатувлари, картографик, ГИС технологияси, таққослаш, статистик, геоморфологик, метеостанциялар маълумотини таҳлил қилиш, илмий адабиётлар ва фонд материаллари билан ишлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги тоғ музликларининг мутлақ баландликлар (3200 м дан баланд жойлар) ва ёнбағирлар экспозицияси бўйича тарқалиши ва дарё (Писком, Тўпаланг ва Қашқадарё) ҳавзалари бўйича жойлашиши аниқланган;

Ўзбекистон тоғ музликлари ва уларнинг ҳосилалари (рельеф шакллари ва ётқиқиқлар) жойлашган ҳудудларда гляциотуризм нуқтаи назаридан субгляциал, постгляциал ва гляциал зоналар мавжудлиги асосланган;

Ўзбекистондаги тоғ музликларининг гляциотуристлик маршрутлари ишлаб чиқилган, уларнинг мураккаблиги баҳоланган (ўта содда, содда, мураккаб, ўта мураккаб) ва ArcGIS дастуридаги картаси яратилган;

Ўзбекистондаги тоғ музликлари ва уларнинг ҳосилалари (рельеф шакллари ва ётқизиклар) данэкотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш ва тоғ экотизимларини сақлаш бўйича таклиф ва тавсияларишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда экотуризмнинг янги тармоғи бўлган гляциотуризмни ривожлантириш учун етарли объектлар мавжудлиги аниқланган;

ArcGIS дастурида гляциотуристтик объектларнинг маълумотлар базаси ва гляциотуристтик карталари яратилган;

гляциотуристтик турларни ташкил этиш учун зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги, дала ва камерал тадқиқотлар олиб борилганлиги, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг баланд тоғларида тоғ музликларининг табиий географик қонуниятлар асосида тарқалиши ҳамда дарё ҳавзаларида мутлақ баландликлар ва ёнбағирлар экспозицияси бўйича жойлашиши аниқлангани ва тоғ музликлари каталоги тузилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ музликларининг тури, морфометрияси, морфологияси ва уларнинг ҳосилалари тасвирланган гляциотуристтик карталарнинг яратилганлиги ва экотуризмда фойдаланиш учун янги туристик маршрутлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда тоғ музликларининг табиий географик тарқалиш қонуниятлари ва экотуристтик роли бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистондаги тоғ музликларининг мутлақ баландликлар ва ёнбағирлар экспозицияси бўйича тарқалиши ва дарё ҳавзалари бўйича жойлашишини аниқлаш асосида ишлаб чиқилган гляциотуризмни ривожлантиришга доир тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида тоғ туризми кластерларини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 02-16/5597-сон маълумотномаси). Натижада, Писком, Тўпаланг ва Қашқадарё водийларининг юқори қисмлари табиий географик шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёз ойларида туристларни мазкур ҳудудлардаги гляциотуристтик объектларга саёҳат қилиш имконини берган;

тоғ музликлари ва уларнинг ҳосилалари жойлашган ҳудудлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида экотуристлик объектлар сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 02-16/5597-сон маълумотномаси). Натижада, Писком, Тўпаланг ва Қашқадарё водийларининг юқори қисмларини ташкил этувчи гляциотуристлик объектлар жойлашган йўналишларга маршрутларни ташкил қилишда сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш имконияти яратилган;

Ўзбекистонда тоғ музликларининг 1:265000 масштабдаги “Писком водийсининг гляциотуристлик объектлари ва йўналишлари” картаси асосида ишлаб чиқилган туристик маршрутлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 02-16/5597-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистоннинг баланд тоғларида гляциотуристлик маршрутларни лойиҳалаш имконини берган;

Ўзбекистондаги тоғ музликларининг гляциотуристлик имкониятларидан экотуризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ҳамда таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 02-16/5597-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистоннинг баланд тоғли ҳудудларида таклиф этиладиган хизмат турларини кенгайтириш ҳамда ҳудудда жойлашган гляциотуристлик объектларга ташриф буюрадиган туристлар сонини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда карта ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг криоген ҳудудлари ва уларнинг илмий ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида республикамизнинг криоген хусусиятли ҳудудлари тавсифи келтирилиб, улар иккита: криоген ва палеокриоген гуруҳга бўлинган.

Ўзбекистон тоғ музликларининг морфологик турлари ва уларнинг статистик ҳолати турли чизма ва жадваллар ёрдамида ёритилиб, унга асос сифатида 1968-1970 йиллар давомида А.С.Щетинников, Л.Д.Падкопаева томонидан тузилган каталогга киритилган Ўзбекистон ҳудудида жойлашган 345 та тоғ музлиги тадқиқот учун асос қилиб олинди. Ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт давомида юз берган музликлар динамикаси Google earth дастури асосида ўрганилиб, таққосланди.

Фанда биринчи марта Ўзбекистон тоғ музликларини илмий ўрганиш аспекти тадқиқ этилди. Натижада, республикамиз ва унга ёндош ҳудудлардаги тоғ музликларни ўн икки аспектга ажратиш орқали ўлкашунослик, геологик, палеогеографик, гоморфологик, гляциологик, иқлимшунослик, гидрологик, табиий географик, ботаник, экологик, альпинистик, гляциотуризм турлари аниқланади. Ушбу аспектлар орасида энг кам ўрганилгани гляциотуристлик йўналиш бўлиб, махсус жадвал ёрдамида ушбу диссертациянинг долзарблик даражаси ва қарийб ўрганилмаганлик ҳолатини очиб беришга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон тоғ музликларининг табиий географик қонуниятлар асосида ҳосил бўлиш ва тарқалиш хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби асосан назарий масалалардан ташкил топган бешта параграфлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмунини Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудларда тоғ музликларининг оротектоник, геоморфологик, иқлимий, фитоген қонуниятлар асосида шаклланиш хусусиятлари очиб берилган. Б.А.Федченко (1902), Н.Л.Корженевский (1930), И.С.Шукин (1933), С.В.Колесник (1937), Л.С.Берг (1960), Л.Г.Бондарев (1971), А.С.Щетинников (1976), М.Г.Гросвальд (1979), А.А.Крейтер (1985), Г.Е.Глазырин (1985), Е.В.Чуб (2000), Г.Н.Трофимов (2004), Х.А.Тойчиев (2008) ва бошқа гляциолог тадқиқотчиларнинг бу борада илгари сурган илмий ғоя ва фикрлари тўлдирилган. Хусусан, оротектоник


қонуниятлар натижасида тоғ музликларининг мураккаб ва узоқ давом этган тектоник кучлар таъсирида шаклланиши, бу ҳолат айрим герцинидларда тўртламчи даврдан олдин ҳам юз берган бўлиши эҳтимоли мавжудлиги хусусидаги илмий фаразлар Нурота каби паст тоғлар мисолида илгари сурилади. Чунки олигоцен даврининг охирларида ҳаво ҳарорати ўртача 5-10⁰С га пасайган (Г.Н.Трофимов, 2004, 48 б.). Натижада, тоғ музликларининг тил қисми ҳатто тоғ этаклари бўйлаб 2300 м, ҳаттоки 1200 метргача сурилиб тушди (Х.О.Тойчиев и др. 2008).

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Геоморфологик қонуниятлар” деб номланган ва унда тоғ музликларининг шаклланиши ва фаолиятининг базис юзалари билан узвий боғлиқ ҳолда юз бериши геоморфологик қонуният тарзида илгари сурилади. Муаллиф томонидан тақлиф этилган “Писком водийси тоғ музликлари фаолиятининг базис юзалари бўйлаб ривожланиш хусусиятлари” номли картада тўрт тартибли базис юзалари ажратиб кўрсатилган бўлиб, тоғ музликлари ва уларнинг ҳосилалари ушбу базис юзалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланганлигини англатади. Бу ҳолат ўзига хос геоморфологик қонуниятдир. Чунки тоғ музликларининг емириш, элтиш, тўплаш каби фаолияти юз берадиган майдонлар базис юзалари тартиби асосида яққол кўзга ташланади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Иқлимий қонуниятлар” деб номланиб, унда иқлим элементларининг рельеф хусусиятлари билан узвий боғлиқлик жиҳатлари очиқ берилган. Тоғ музликлари эса, ўз навбатида, иқлим маҳсули дея эътироф этилган. Бу ҳолат республикамизнинг тоғли минтақаларида фаолият юритган ёки юритаётган метеостанциялар маълумотлари қисмида таҳлил этилган. Натижада, тоғ музликларининг прогрессив ва регрессив босқичлари йиллик ёғин миқдorigа боғлиқ ҳолда аниқланган. Хусусан, Бойсун (h-500м) метеостанциясининг 1933 йилдан 2016 йилгача бўлган 83 йиллик маълумотларига кўра, ёғин миқдори ўртача кўп йиллик кўрсаткичи 440 мм бўлгани ҳолда, ундан яққол фарқланиб турадиган сернам йиллар ҳар 9-12 йилда мунтазам қайтарилиб, ўзига хос цикл ҳосил қилган. Бу ҳолат 1998 йилдавом этиб, ундан кейин юз берган цикл қисман ўзгаради ва сернам йиллар энди 6-7 йилда бир қайтарилади. 2010 йилдан эса яна 9 йиллик нисбатан сернам йиллар босқичи бошланади. Қурғоқчилик эса ҳар 19-20 йил ичра жуда паст кўрсаткич (ўртача йиллик 50 мм.) да очик номоён бўлмоқда. Шу тариқа уч марта, яъни 1945, 1964, 1965, 1966 кетма-кет уч йил, 1984 ва 2001, 2002 йилларда қурғоқчилик кузатилган. Аммо кейинги 2000, 2001 йилларда юз берган қурғоқчилик аввал юз берганларига нисбатан сернамроқ кечган. Ушбу йилларда ёғин миқдори 170-180 мм ни ташкил этган. Агар иқлимий қонуниятлар шу тариқа ривожланса республикамиз ҳудуди яқин 2020 йиллардан кейин навбатдаги камёғин босқични ўтказиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг барчаси биргаликда таҳлил қилинар экан, ёғин-сочиннинг ўртача йиллик миқдори, ўртача кўп йиллик миқдorigа, яъни

нормага яқин эканлигини кўришқийин эмас. Аммо 30 йил давомида ўртача кўп йиллик ёғин миқдори нормадан паст кўрсаткичга эга бўлгани ҳолда, 42 йил ичида бу кўрсаткич нормадан юқори бўлган. Демак, умумий кўп йиллик таҳлилга кўра ёғингарчилик миқдори кейинги йиллар адир минтақаси бўйлаб деярли камаймаган. Худди шу ҳолатни баланд тоғ (h-3500м)да жойлашган Абрамов музлиги этагидаги метеостанция маълумотларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу метеостанцияда 1968 йилдан 1999 йилгача 31 йил давомида метеорологик кузатувлар олиб борилган. Ушбу қисқа даврда айрим йиллари ёғингарчилик миқдорининг ошиб бориш тартиби яққол кўзга ташланади. Хусусан, кейинги 30 йил ичида энг совуқ ва сернам бўлган 1969 йилга нисбатан ҳам 1987, 1993, 1998 йиллар сернам келган. Кейинги йилларда юз берган (1995, 1997 йиллар) қурғоқчилик ҳам аввал 1974, 1976 йиллар) юз берган қурғоқчиликлардан (11 йил ичида) юқори, 15 йил ичида эса паст бўлганлиги кузатилади. Шу тариқа қурғоқчиликнинг салмоғи ошиб, музликларнинг регрессиясида яққол кўзга ташланадиган сабабчи тарзида иштирок этади. Ушбу станцияда олиб борилган кузатувнинг ҳаво ҳарорати бўйича кўрсаткичлари асосан норма (-4°C) га яқин туради. Шундай бўлса-да, 15 йил давомида нормадан паст, 11 йил ичида эса нормадан юқори, 6 йил нормада бўлгани кузатилган. Демак, маълумотлар таҳлиliga кўра, ушбу нуқта бўйлаб музликларнинг регрессив ҳолатида ҳароратнинг аҳамияти унчалик кучли эмаслигини кўриш мумкин. Ойгаинг метеостанциясининг (h-2200 м) 1963 йилдан 2018 йилгача маълумотлари таҳлил қилинган. Кузатилган 56 йил давомида энг салқин давр 1972 йилга тўғри келади. Кейинги ҳар 12, 10, 9 йил давомида салқин йиллар даврий тарзида қайтарилган. Аммо уларнинг, яъни салқин йилларнинг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари тобора кўтарила борган. Энг иссиқ йиллар ҳам ҳар 3-5 йилда бир марта такрорланиб, кичик цикл ташкил этган, аммо ушбу кўрсаткичлар ҳам йиллар давомида тобора ортиб борган. Ушбу далилларнинг барчаси биргаликда таҳлил қилинса, кузатилган 56 йилнинг 20 йилида ҳаво ҳарорати кўрсаткичи нормадан, яъни ўртача кўп йиллик кўрсаткичдан паст рақамларни ташкил этмоқда, 32 йил эса нормадан юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Шу тариқа умумий ҳолат фонида ҳаво ҳароратининг тобора юқорилаб бораётганлигини кўриш мумкин (1-расм).

Мана шундай кўрсаткичлар асосида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон тоғ музликлари барча вақтларда ҳам мудом регрессив ҳолатда бўлмаган. Аксинча, фаол прогрессив даврларни ҳам кечирган. Қора Ботқоқ, Оқсув ёки Нура музликлари шулар жумласидандир (А.Н.Диких., Л.Л.Диких (1976. 45 б.), Л.Г.Бондарев (1971; 137 б.), А.В.Шнитников (1961; 45 б.). Чунки иқлим нафақат илиш жараёни, балки сернам совуқ даврлар, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан юқорида қайд қилганимиз каби цикллараро қайтарилиб турган ва бу ҳолат, ўз навбатида, тоғ музликларининг прогрессив ҳолатларида акс этганлиги исботланди.



1-расм. Ойгаинг дарё водийси юқори қисми (h-2200 м Ойгаинг ГМС) бўйлаб ҳаво ҳароратининг йиллар давомида тобора кўтарилиб бориши.

Бобнинг учинчи – “Ўзбекистон тоғ музликларининг деградация босқичлари” деб номланган параграфида республикамиз ҳудудидаги мавжуд ҳозирги тоғ музликлари, ўз тараққиёти давомида гоҳ ривожланиб, гоҳ эса чекина боргани ўрганилган. Бу жараён регрессия фонида кечган. И.С.Шукин (1933), Г.А.Авсюк (1950), С.В.Колесник (1963), М.Г.Гросвальд (1965), Л.Г.Бондарев (1975) Ўрта Осиё тоғларидаги музликлар яхлит эди, деган ғояни илгари суради. Кейинчалик вақтлар ўтиши билан тоғ музликлари юқорида эслаганимиз каби турли табиий географик омиллар таъсирида парчалана бориб, ҳозирги ҳолатига эга бўлди. Ушбу тадқиқотда ҳам тоғ музликларининг деградация босқичлари далада олиб борилган натурал кузатишлар орқали бутун Ойгаинг дарё водийси ва Текеш музлиги мисолида ўрганилди. Текешсой ҳавзасида (Ойгаинг дарёсининг ўрта оқимида, унинг ўнг қўл ирмоғи) жойлашган. Ушбу музлик (атиғи 1000-2000 йил аввал яхлит тарзда 15 км дан кўпроқ масофани банд этган бўлиб, музликнинг қуйи нуктаси денгиз сатҳидан 2099 м баландликда ётган. Мореналарнинг қуйи чегараси Ойгаинг дарёсининг ҳозирги ўзанидан 150 м узоқликда жойлашган бўлиб, унинг чекка гардиши аллювиал юзадан 5-6 м, баъзан 7-8 м баландликда кескин кўтарилиб турибди. Х.А.Тойчиев, А.А.Ни ва бошқ.(2008) ҳамда О.С.Савоскул (1997) берган маълумотларга кўра, ушбу ётқизикларни Текеш музлиги атиғи 1000-2000 йил аввал олиб келиб тўплаган. Текеш музлиги қолдирган морена ётқизикларининг жойлашув ҳолати, ҳажмига кўра, у бир текисда чекиниб кетмаган. Аксинча, ҳозирги тарзга киргунгача гоҳ илиқ, гоҳ совуқ даврлар алмашилиб турган. Аниқроғи, парчаланиш жараёни тўрт босқичда амалга ошган. Мореналар тўпламининг ҳажмига кўра, совуқ давр тўхтовсиз бирнеча юз йил давом этган ва яна

ҳарорат илиган. Чунки энг қуйи, яъни юқорида таърифини келтирган мореналар тўпламидан кейин 0,8-1,0 км масофада трог водийси бўйлаб муз ётқизиклари бирон нукта узра тўпланган ҳолда учрамайди. Демак, ҳаво ҳарорати маълум даврда бир текисда илиб борган ва яна кескин совиган. Чунки иккинчи босқич маҳсули бўлган морена уюмларидан яна 0,8-1,0 км. масофа ўтгач, Текешсойнинг чап соҳилида навбатдаги улкан морена уюмларини учратамиз. Бу даврда совуқ ва серёғин фасл яна бир-неча юз йил, тахминан юқорида кўрсатилган даврга яқин вақт давом этган, чунки морена уюмларининг ҳажми пастки нуктада тўпланган морена тўпламлари ҳажмига тенг келади. Аммо бу даврда совуқ ва серёғин цикл аввалгиларига нисбатан бир мунча илиқ бўлган бўлиши мумкин. Чунки энди мореналар тўплами аввалгидек 2099 м да эмас, балки 2300 м, кейингиси 2600 м баландликда ётади. Демак, ҳарорат тобора кўтарилиб ва ёғин миқдори камайиб бормоқда. Ҳозирги дамда Текешсойдаги музлик (чунки улар бир неча бўлақларга парчаланиб кетган) ларнинг энг қуйи чегараси денгиз юзасидан 3200 м баландликда жойлашган ва бу ерда морена ётқизикларининг фаол аккумуляцияси кечмоқда.

Бобнинг “Фитоген қонуниятлар” деб номланган навбатдаги тўртинчи параграфида тоғ музликларининг ривожланиш эволюцияси ҳудуднинг ўсимлик дунёси, фитоареаллар чегарасининг ўзгариб туриш хусусияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечиши ўрганилиб, шу метод орқали қадимги даврларда мавжуд бўлган криоген зона чегараларини реконструкция қилиш имкониятига эга бўлинди. Бу борада арчазор ўрмонларининг аҳамияти салмоқлидир. Чунки арча дарахти узоқ вақт (2000 йилдан ҳам кўпроқ) умр кечиради ва, ўз навбатида, ўша муддат давомида содир бўлган иқлимий ҳолатларга “гувоҳлик” бера олади. Р.И.Аболин (1929), А.Г.Долуханов (1967), М.В.Тронов ва бошқ. (1974), Г.Е.Глазирин (1985) маълумотларига кўра, арчазор ўрмонларининг юқори чегаралари фирнь далалари ётган баландликлар билан мутаносиб тушади. Демак, арчазорлар табиий индикаторлар сифатида тоғ музликлари динамикасига монанд равишда кўп минг йиллар кесимида тебраниб туради. Далада олиб борилган тадқиқотлар натижаси республикамизнинг Зарафшон, Нурота, Ғарбий Тяньшань тизмалари бўйлаб минг, хатто 2300 йиллик реликт кўринишдаги қадимги арча дарахтлари сақланганлиги тадқиқ этилди. Туркистон арчаси баъзан 2000 ва ундан ҳам кўп йил яшайди (К.Д.Мухамедшин, 1977). Улар қадимги арчазор ўрмонларининг қолдиғи сифатида, ўша қадимги даврларнинг иқлими бирмунча сернам ва совуқ бўлганлигидан дарак бериб туради. Чунки уларнинг аксарияти Тим (h-500 м), Мажурум (h-720 м), Лангар (h-750 м), ва ҳ.к. баландликларда ўсмоқда. Улар ўз навбатида 1000-2000 йил аввал мавжуд бўлган иқлимнинг ҳозиргига нисбатан нам ва совуқ бўлганлигидан далолат беради. Чунки бизнинг давримизда арчазор ўрмонларнинг қуйи чегараси 1200 м. баландликлар бўйлаб ўтади. Ушбу далиллар ўз навбатида биздан

1000-2000 йил аввал тоғ музликлари тоғларнинг бирмунча қуйи қисмларида ҳам мавжуд бўлганлигини исботлайди.

Диссертациянинг “Тоғ музликларининг гляциал туризм турини ташкил этиш учун асосий омил тарзидаги иштироки” деб номланган учинчи боби, ўз навбатида, тўртта параграфга тақсимланган ҳолда тадқиқ этилган. “Гляциал туризм объектлари таснифи” номли биринчи параграф мазмуни фанга биринчи марта “гляциотуризм” тушунчасининг киритилишига қаратилган. Гляциотуризм (лотинчи *glacies* – муз, *tour* – саёҳат) музликлар ва улар билан боғлиқ ҳолда шаклланган ландшафт комплекслари, рельеф кўринишларини томоша қилиш учун уюштириладиган экотуризмнинг махсус янги йўналишидир. У муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, республикамизда гляциотуризмни ривожлантириш учун етарли гляциотуристлик объектлар ҳам мавжуд.

Гляциотуристлик объектларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Субгляциал объектлар. Лотинча *subcўзи* “оралиқ”, “яқин” тушунчаларини англатади. Шу боисдан музликлар мавжуд бўлган ҳудудларнинг табиий-географик шароитига ўхшаш, уларнинг кўрсакичларига яқин (ёғин-сочин миқдори юқори, ўртача кўп йиллик ҳаво ҳароратининг кўрсаткичи паст, шу боисдан серсув ва ўзига хос флора, фауна оламига эга бўлган) ҳудудлар П.А.Черкасов (1962), Л.Н.Ивановский (1981), Л.Р.Серебрянный (1988), М.А.Петров (2001) лар томонидан “пригляциальные области” тушунчаси остида ўрганилган. Ушбу термин ўзбек тилида “музликёни ҳудудлар” сифатида қўлланиб, “субгляциал” тушунчасига тамомила мос тушади.

2. Постгляциал объектлар. Лотин тилидаги *post* “кейин” деган маънони ифодалайди, “постгляциал) тушунчаси яқин тарихий даврлар оралиғида тоғ музликлари мавжуд бўлиб, кейинги вақтларда уларнинг чекиниши туфайли очилиб қолган ҳудудларни акс эттиради (М.А.Петров, 2001, 6-бет, Х.А.Тойчиев и др. 2008. 97-бет). Постгляциал объектлар: троглар, карлар, морена уюмлари, морена кўллари, эрратик харсанглар, экзарация излари тарзида улкан гляциотуристлик аҳамиятга эга бўлган объект экани таъкидланади.

3. Гляциал объектлар. Ушбу гуруҳга хос объектлар, ўз навбатида, яна икки турга ажратиб тадқиқ этилди: а) бевосита музликлар таъсирида шаклланаётган рельеф, ландшафт кўринишлари, карлинглар, цирклар, карлар, кар кўллари, трог водийларининг юқори қисмлари морена уюмлари, эквипленлар; б) бевосита тоғ музлик танаси билан узвий боғлиқ бўлган ва уни ташкил этадиган ҳосилалар: музликнинг тил қисми, унда ҳосил бўлган турли ўлчамдаги ёриқлар, тарослар, муз кўзиқоринлари, муз стаканлари, муз тегирмонлари, муз кўллари, муз жилғалари, муз фавворалари, муз шавволари, ён ва ўрта морена “оқим” лари ва ҳ.к.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида гляциал туризм йўналишлари ва уни ташкил этиш масалалари ўрганилган (2-расм).

Натижада, гляциал йўналишлар куйидаги гуруҳларга бўлинган: 1. Ўта содда йўналишлар. Ушбу турни ташкил этиш учун энг қулай транспорт тури вертолётдан фойдаланилади. У ҳаммабоп бўлганлиги учун “ўта содда” дея номланган. 2. Содда йўналишлар. Ушбу турни ташкил этиш учун моторлаштирилган техника воситаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Чунки ушбу маршрутни камраб оладиган ҳудудларда асфальт ёки тош қопламали йўллар мавжуд. 3. Мураккаб йўналишлар. Бу турдаги маршрутларда қатнашадиган туристлар мураккаб сўқмоқлар бўйлаб фақат от-уловдан фойдаланиши мумкин. 4. Ўта мураккаб йўналишлар. Бу турдаги йўналишлар тик ёнбағирлар ва айнан музликлар ва фирнь далалари бўйлаб ўтганлиги учун бирон-бир транспорт туридан фойдаланиш имконияти кам.

Ушбу параграфда юқорида кўрсатилган маршрутларни амалга оширишда қулайлик туғдирадиган омиллар тавсифи келтирилган. Шу билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш ва туристларнинг ҳаёт хавфсизлигига доир масалалар ҳам атрофлича ёритилган.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи гляциал туризмни ривожлантиришнинг илмий-маънавий ва амалий аҳамиятини очиб беришга қаратилган. Бунда гляциотуризмнинг юксак илмий-маърифий аҳамияти билан биргаликда катта иқтисодий даромад манбаси эканлиги, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашдаги имкониятлари очиб берилган.


Ушбу бобнинг тўртинчи параграфида Ўзбекистонда гляциотуристлик объектларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш масалалари ўрганилган. Л.А.Канаев (1967), Р.Д.Забиров (1971), В.И.Рацек (1972), А.А.Крейтер (1987), Н.С.Бассин., М.А.Петров (1990), А.А.Ни (1991), О.С.Совускул (1997), Х.А.Тойчиев (2008) ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон тоғ музликлари тобора қисқариб бормоқда. Шу нуқтаи назардан уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Кичик музликлар ($S < 0,5 \text{ км}^2$) тугалланиш ёки тоғ жинслари бўлаклари аралаш глетчер ҳолатига ўтиш арафасида турибди.

2. Ўртача ўлчамдаги музликлар ($0,5 \text{ км}^2 < S < 2 \text{ км}^2$) кичик ўлчамдаги музликлар қаторига кириб қолмоқда ёки турли нурак тоғ жинси бўлаклари остида ёпилиб қолмоқда.

3. Йирик ўлчамдаги, тоғ-водий турига кирадиган музликлар ($S < 2 \text{ км}^2$) парчаланиб, умумий майдони кичраймоқда (Х.А.Тойчиев и др. 2008, С-103).

Ўзбекистон тоғ музликлари борасидаги дала шароитида ва Google earth дастури асосида олинган маълумотлар, 1960-1970 йиллар давомида А.С.Щетинников, Л.Д.Подкопаева (1969) томонидан тузилган музликлар каталоги билан солиштирилиб, тоғ музликларининг динамикасига доир қизиқарли илмий маълумотлар қўлга киритилди.



2-расм. Писком водийсининг гляциотуристтик объектлари ва йўналишлари картаси.

Изоҳ: Картанинг оригинал нусхаси 1:265 000 масштабда тузилган.

Шу асосда Ўзбекистон тоғ музликларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш гляциотуристлик нуқтаи назардан ҳам юксак самарадор бўлиши мумкин:

1. Чекинаётган тоғ музликлари. Уларнинг сони 123 та. Диссертация ишини амалга ошириш учун республикадаги барча мавжуд музликларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлмадик. Тоғ музликларининг фаол чекиниши сабабларини гляциологлар неотектоник А.А.Крейтер (1985), сейсмик А.Ренк, Е.Врuchner (1909), Л.Д.Долгушин, Г.Е.Осипова (1982), иқлимий А.С.Щетинников, (1976, 1981), Г.Е.Глазирин (1985), умумий геоэкологик А.К.Дюнин (1961), К.В.Станюкович (1973), О.Е.Агаханянцлар (1981) турли омиллар билан боғлаб ўрганадилар. Муаллиф томонидан юқорида кўрсатилган барча фикрлар инобатга олинган ҳолда музликлар атрофидаги ландшафтнинг инсон омили таъсирида бузилиши ҳам ўша омиллар қаторидан жой олиши таъкидланади. Экотуристлик объектлар нафақат ижобий, балки салбий жиҳатлари билан ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Шу боисдан ушбу гуруҳдаги музликлар ҳам катта гляциотуристлик аҳамият касб этади.

2. Морфометрик ўлчамлари ўзгармаган тоғ музликлари. Бундай гуруҳга республикада бўйлаб 44 та тоғ музлиги мансуб. Ва бу тоғ музликлари ҳудуднинг геоэкологик ҳолатини ўзида акс эттирадиган индикаторлик родини ҳисобга олган ҳолда маълум гидрологик ҳавзаларда ўша кўрсаткич қониқарли эканлиги билан боғлаб ўрганиш мумкин. Улар ҳам азонал, қизиқарли объект сифатида юксак гляциотуристлик аҳамият каб этади.

3. Ривожланаётган тоғ музликлари. Бундай гуруҳдаги тоғ музликлари Л.Д.Денисов (1985), К.Г.Макаревич, О.В.Ротатаева (1986), Х.А.Тойчиев ва бошқ. (2008) томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистон ҳудудида 77 та шундай хусусиятга эга музликлар мавжуд. Ушбу туркумдаги тоғ музликларининг ўсиш сабаблари, шубҳасиз, уларнинг тўйиниши учун етарли даражада намлик олиши, ён атрофдаги шамол таъсирида қор массаларининг учириб олиб келиниши ва куртуқлар ҳосил бўлиши учун қулайлиги, бир сўз билан айтганда, экологик ҳолати қониқарли даражада эканлигида, деб талқин этилади. Шу боисдан ҳам гляциотуристлик аҳамияти юқори бўлган объектлар қаторидан ўрин олади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар, ҳамда уларнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Ўзбекистон тоғ музликлари ҳудуднинг кўп тадқиқ этилган табиий географик компонентларидан биридир. Аммо унинг ўрганиш тарихи бизгача бирор илмий ишда аспектлар асосида таҳлил этилмаган. Шу боисдан ушбу тадқиқотда Ўзбекистон тоғ музликларини илмий ўрганиш тарихи 12 та аспект асосида шаклланди. Фанда биринчи марта ўз аксини топди. Натижада, нафақат тоғ музликлари мисолида, дунё миқёсида ҳам шиддат билан ривожланиб келаётган экотуризм нуқтаи назаридан мутлақо

ўрганилмаганлиги туфайли, ўта долзарб масала сифатида ўрганишни тақазо этади.

2. Ўзбекистон тоғ музликларининг географик тарқалиш ва жойлашиш табиий географик қонуниятлари, далада олиб борилган натурал кузатишлар ва илмий адабиётлар таҳлили натижаси ўлароқ олинган маълумотлар асосида янада бойитилди. Натижада, тоғ музликларининг оротектоник, геоморфологик, иқлимий, фитоген қонуниятлар асосида географик тарқалиш ва жойлашиш хусусиятларига оид аввал маълум бўлган табиий географик қонуниятларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилди. Жумладан, Нурота каби паст (2000 м. дан кўп) герцинидларда ҳам, айрим белгиларига кўра қадимда тоғ музликлари мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги фаразнииллари суриш имконини беради.

3. Ўзбекистон тоғ музликлари ҳудуднинг базис юзалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланганлиги фанда илк бор ўз исботини топди. Шу боисдан тоғ музликлари Ғарбий Тянь-шань, Ҳисор тизмаларида, уларнинг юқори қисмларини ташкил этадиган биринчи тартибли базис юзалари бўйлаб жойлашганлиги табиий географик қонуният тарзида қайд этилди. Иккинчи ва учинчи тартибли базис юзалари ишғол қилган ҳудудларда эса, тоғ музликларининг чекиниш жараёнини англатиб турадиган трог водийлари, морена уюмлари, экзарация излари географик тарқалишга эга эканлиги геоморфологик қонуният сифатида қайд этилди. Изобазит эгри чизиқлари қамраб олган тўртинчи тартибли базис юзаларида эса музлик чекиниши туфайли мавжуд бўлган геоморфологик элементлар жуда кам учраши, аммо ушбу ҳудуднинг табиий географик шароити ҳамон тоғ музликлари таъсирида ривожланаётганлиги, уларни карталаштириш асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида мавжуд метеостанциялар қайд қилган ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати, ёғин миқдорини таҳлил қилиш ва ушбу маълумотларни аввал маълум бўлган илмий фаразлар билан солиштириш орқали тоғ музликларининг иқлим маҳсулоти сифатида ҳар 5-6, 8-9-12, 19-20 ва ундан ҳам йирик кўп йиллик цикллари аниқланди. Шу билан бирга, ўртача кўп йиллик ёғин миқдори кейинги ярим аср давомида қарийб ўзгармагани ҳолда, ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати кўрсаткичи ортиб бораётганлиги ўрганилди. Ушбу ҳолат ортидан тоғ музликларининг замонамиздаги катострофик ҳолати очиб берилди. Ушбу жараён иқлим қонуниятлари фонида юз бераётганлиги чизма-графиклар воситасида илмий асосланди.

5. Ўзбекистон тоғ музликлари географиясининг ҳолати фитоген қонуниятлар билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги ўрганилди. Натижада, тоғ музликларининг прогрессив ва регрессив ҳолатлари ҳудудга хос ўсимликлар олами, жумладан, тоғ арчазор ўрмонларининг юқори ва қуйи чегаралари динамикасида ўз аксини топиши давримизда қисман сақланиб қолган 1000-2500 йиллик реликт арча турлари воситасида реконструкция қилинди. Қўлга киритилган илмий маълумотлар 1000-2500 йиллар аввал тоғ музликлари

кўламининг ҳозирги ҳолатига нисбатан бирнеча бор йирик бўлганлигини кўрсатади.

6. Ўзбекистон тоғ музликларининг географик тарқалиш хусусияти ҳудуд бўйлаб мавжуд гляционимлар географиясида яққол ақс этиши тадқиқотлар натижасида ўз ифодасини топди. Диссертацияда илк бор “гляционим” термини қўлланди ва илмий муомалага киритилган.

7. Гляциотуризм экотуризмнинг муҳим ва истиқболли тармоғи сифатида фанда биринчи мартақайд этилиб, унинг илмий асоси яратилди. Ҳудуддаги мавжуд гляциотуристлик объектлар “субгляциал”, “постгляциал”, “гляциал” каби уч гуруҳ асосида таснифланиб, карталаштирилди.

8. Ушбу гляциотуристлик объектлар географияси асосида экотуристлик йўналишлар ишлаб чиқилди ва уларни ўзлаштирилиш даражасига кўра, “ўта содда”, “содда”, “мураккаб” ва “ўта мураккаб” каби тўрт гуруҳ асосида амалга ошириш эҳтимоли мавжуд эканлиги карталар воситасида илмий асосланди. Мавжуд турларнинг тавсифи таклиф этилган тасниф асосида келтирилди. Ушбу ҳолат диссертациянинг амалий аҳамиятини баҳолашда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАТНАЗАРОВ АКМАЛ РУЗИВОНОВИЧ

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
РАСПРОСТРАНЕНИЯ И ЭКОТУРИСТИЧЕСКАЯ РОЛЬ ГОРНЫХ
ЛЕДНИКОВ УЗБЕКИСТАНА**

11.00.01 - Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В.2018.1.PhD/Gr46.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научные руководитель: **Баратов Паттох**
кандидат географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдулкасимов Али Абдулкасимович**
доктор географических наук, профессор

Камолов Баходир Асомович
доктор географических наук

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится «22» 05 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании ученого совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Самаркандский государственный университет, аудитория №104 Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2021@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №14). Адрес: г. Самарканд Университетский бульвар, дом 15. Тел.:(+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан «10» 05 2021 года.
(протокол рассылки № 12 от «07» 05 2021 года).



С.Б.Аббасов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, доктор философии
по географическим наукам, PhD

В.А.Рафиков
Заместитель председателя
Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых
степеней, д.г.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной Туристской Организации (UNWTO), в последние годы уделение странами мира большего внимания к туристической отрасли привело к заметному росту числа путешественников. В отчете данной организации определена важность обращения внимания к таким видам туризма, как экотуризм, горнолыжный туризм, экстремальный туризм, паломнический, гастрономический туризм¹. Особое значение наряду с развитием экотуризма на горных территориях с высоким туристическим потенциалом, охраной ледников в качестве источника пресной воды приобретает рациональное пользование ими в туристических целях. В мире ведутся научные исследования по рациональному пользованию в развитии экотуризма ледниками, сокращающимися в результате глобального потепления климата. При этом особое внимание уделяется охране ледников как источника пресной воды, оценке сложности и возможностей использования их в качестве туристических объектов в развитии экотуризма, разработке маршрутов и созданию карт.

В нашей республике осуществляется ряд преобразований, направленных на развитие туристической отрасли, особенно разработку его новых направлений и повышению эффективности их использования, и достигнуты определенные научные результаты. Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев, говоря о перспективах экотуризма, подчеркивал “используя возможности уникальной природы нашей страны, прекрасных зон отдыха, можно создать новые направления для развития туризма”². Во втором пункте третьего направления Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан “Приоритетные направления развития и либерализации экономики” в качестве приоритетной определена задача “ускоренное развитие индустрии туризма, повышение ее роли и вклада в экономику, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение туристской инфраструктуры”². С этих позиций, особую значимость приобретает исследование новых объектов, в частности горных ледников, служащих основой для развития экотуризма в нашей республике.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан “О создании свободной туристской зоны “Чарвак” от 5 декабря 2017 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3514 “О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма” от 7 февраля 2018 года, №ПП-4095 “О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли”, постановлении Кабинета Министров Республики

¹<http://www.unwto.org/UNWTOAnnualreport.2017>.

²Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Народное слово. 23 декабря 2017 года.

²Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Узбекистан №559 “О дополнительных мерах по развитию туристской инфраструктуры в горной местности” от 17 сентября 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике VIII. “Науки о земле” и V. “Сельское хозяйство, экология и охрана окружающей среды”.

